




**“ЎЗБЕК ГЕОЛОГИЯ ҚИДИРУВ ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВ
КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ
(янги тахрирда)**

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига (кейинги ўринларда — Қонун), бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда “Ўзбек геология қидирув” акциядорлик жамиятининг Уставига (кейинги ўринларда — Жамият) мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Жамият Кузатув кенгашининг ҳуқуқий мақоми, фаолият юритиш тартиби, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек унинг аъзоларини сайлаш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда Кузатув кенгаши томонидан қарорлар қабул қилиш тартибини белгилайди.

1.2. Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонунчилик ва Жамият Уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно.

1.3. Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида вазифалар тақсимооти Кузатув кенгаши раиси томонидан ҳар бир аъзо учун алоҳида тартибда белгиланади.

2. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

2.1. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига қуйидаги масалалар киради:

2.1.1. Стратегия ва ривожланиш:

Жамият фаолиятининг капиталини узок муддатли оширишга йўналтирилган стратегик йўналишларини белгилаш ва тасдиқлаш;

Жамиятни ривожлантириш стратегиясини маъқуллаш ва унинг амалга оширилишини назорат қилиш;

Барқарор ривожланиш соҳасида Жамиятнинг асосий мақсадлари ва устувор йўналишларини, жумладан иқлим мақсадлари ва парник газлари чиқиндиларини камайтириш/бошқариш бўйича устувор вазифаларни (мавжуд бўлган тақдирда) кўриб чиқиш ва тасдиқлаш ҳамда уларни Жамият стратегияси, бизнес модели ва узок муддатли режалаштиришига интеграция қилишни таъминлаш.

2.1.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши:

Қонунда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибини тайёрлаш, уни ўтказиш санаси, вақти ва жойини белгилаш;

акциядорларни хабардор қилиш ва умумий йиғилишда иштирок этиш учун Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

Қонуннинг 59-моддаси биринчи қисми иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши муҳокамасига киритиш.

2.1.3. Корпоратив бошқарув ва ташкилий ривожланиш:

корпоратив котибни тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгилайдиган Низомни тасдиқлаш;

Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун мустақил баҳоловчи ташкилотни танлов асосида жалб қилиш;

ижроия органи, ички назорат органлари ва Жамиятнинг коллегиял органлари ўртасида мувофиқлаштирилган ишни ташкил этиш, зарурат туғилганда Жамият мақсадларига эришилишини мониторинг қилиш ва ривожланиш режаларини ишлаб чиқиш учун экспертларни жалб қилиш;

Жамиятнинг ташкилий тузилмасини қонунчилик талабларига мувофиқ жорий этиш ва унинг самарадорлигини мунтазам баҳолаб бориш, шунингдек йиллик молиявий ҳисоботни Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари (МСФО)га мувофиқ эълон қилишга ўтиш ишларини мувофиқлаштириш;

Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларининг жорий этилишини назорат қилиш.

2.1.4. Ижроия органи ва персонални бошқариш:

Жамиятнинг Ижроия органини шакллантириш, унинг раҳбари ваколатларини муддатидан олдин тугатиш;

тафтиш комиссияси (тафтишчига) аъзоларига тўланадиган мукофотлар ва компенсациялар миқдори бўйича тавсиялар бериш;

дивидендлар миқдори, шакли ва уларни тўлаш тартиби бўйича тавсиялар бериш;

Жамият Ижроия органига тўланадиган мукофот ва (ёки) компенсациялар миқдорини белгилаш.

2.1.5. Молиявий-иқтисодий фаолият ва режалаштириш:

жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини **маъқуллаш**;

Жамиятнинг захира ва бошқа жамғармаларидан фойдаланиш;

барча акциядорлар учун ахборотни мажбурий ошкор қилган ҳолда ҳомийлик (хайрия) ёки бепул ёрдам кўрсатиш (ёки қабул қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш. Бунда хайрия учун йиллик харажатлар ўтган йил соф фойдасининг 3 фоизидан ошмаслиги, ҳисобот даври учун бизнес-режада белгиланган соф фойда кўрсаткичлари бажарилган бўлиши **ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори (ёки топшириғи) мавжуд бўлган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин.**

2.1.6. Активлар, инвестициялар ва мулкий масалалар:

мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлашни ташкил этиш.

2.1.7. Шўба жамиятлар, филиаллар ва ташкилотларда иштироки:

филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

шўба ва қарам хўжалик жамиятларини (акциядорлик жамиятлари ёки масъулияти чекланган жамиятлар шаклида) ташкил этиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

қонунчиликда белгиланган тартибда Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотларда иштирок этиши билан боғлиқ битимларни тузиш.

2.1.8. Битимлар ва корпоратив операциялар:

қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар ва аффилиланган шахслар билан (манфаатдорлик мавжуд бўлган) битимлар тузиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш (бунда қарор Кузатув кенгаши мажлисида иштирок этаётган аъзолар томонидан бир овоздан қабул қилинади, чиқиб кетган аъзоларнинг овозлари ҳисобга олинмайди).

2.1.9. Қимматли қоғозлар ва устав капитали:

корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

Жамият корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилиш;

кўшимча акциялар чиқариш тўғрисида қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиш.

аввал рўйхатга олинган акциялар чиқарилувида ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш (жумладан, аввал рўйхатга олинган акциялар чиқарилувида киритилаётган ўзгартириш ва кўшимчалар матнини тасдиқлаш) тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

акцияларни жойлаштириш нархини белгилаш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорларга чиқариш);

ҳосилавий қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисида қарорлар қабул қилиш.

2.1.9. Назорат, аудит ва ахборотдан фойдаланиш:

ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиш;

Жамият Ижроия органи фаолиятига оид ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Кузатув кенгашига юклатилган вазифаларни бажариш учун ушбу ҳужжатларни Ижроия органидан олиш. Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш (мажбурий аудит бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини, унинг хизматлари учун тўланадиган ҳақнинг энг юқори миқдорини белгилаш ҳамда у билан шартнома тузиш (ёки бекор қилиш).

2.1.10. Хатарлар, ҳалоллик ва қарорларнинг мустақиллиги:

Жамият фаолиятидаги молиявий, операцион, ҳуқуқий, регулятор, стратегик, репутацион, иқлим ва бошқа турдаги муҳим хатарларни кўриб чиқишни ўз ичига олган ҳолда, хатарларни бошқариш, ички назорат ва комплаенс тизимлари устидан назоратни амалга ошириш;

хатарларни бошқариш сиёсати, Жамиятнинг умумий ва алоҳида турдаги хатарлари бўйича йўл қўйиладиган даражани (риск-аппетит), асосий хатар лимитларини тасдиқлаш, шунингдек хатарларни бошқариш тизимини Жамиятнинг стратегик, инвестицион ва молиявий режалаштириш жараёнларига интеграция қилишни назорат қилиш;

хатарларни бошқариш бўйича ҳисоботлар, стресс-тестлар ва сценарий таҳлиллари натижаларини, ички аудит ҳисоботларини ва тузатиш чора-тадбирлари режаларини, шунингдек фавқулотда ва инқирозли ҳолатларда ҳаракат қилиш режаларини, жумладан Жамият фаолияти узлуксизлигини ва молиявий барқарорлигини таъминлаш режаларини кўриб чиқиш;

хатарларни бошқариш ва барқарорликни таъминлаш соҳасида ижроия органи фаолияти устидан назоратни амалга ошириш, Бошқарув ва тегишли бўлинмаларнинг жорий хатар профили ва қабул қилинаётган чоралар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш;

ҳалоллик тамойилларига риоя этилишини таъминлаш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бошқариш, Жамият ва унинг акциядорлари манфаатларини кўзлаб мустақил қарорлар қабул қилиш, Жамият фаолияти давлатнинг акциядор сифатидаги мақсадларига, қонунчилик талабларига мувофиқлигини назорат қилиш ҳамда Жамиятнинг қонуний ташқи таъсирлардан ҳимоя қилиш;

барқарор ривожланиш ва иқлим билан боғлиқ муҳим хатарлар ва имкониятларни бошқарув ахбороти ва материалларини тайёрлашда инобатга олишни таъминлаш.

Кузатув кенгаши муҳокамасига киритилаётган масалалар бўйича ҳужжатларни тайёрлашда, шунингдек барқарор ривожланиш бўйича ахборотни ошкор қилиш (мавжуд бўлган тақдирда) жараёнида барқарор ривожланиш билан боғлиқ маълумотларни ҳисобга олиш.

2.1.11. Процедурaviй чекловлар ва махсус талаблар:

Жамият Кузатув кенгашининг ваколатлари Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас;

Кузатув кенгаши ҳузурида тегишли масалалар бўйича қўмиталар (ишчи гуруҳлар) ташкил этиш, шу жумладан низоли вазиятларни ҳал этиш мақсадида, Кузатув кенгаши аъзолари, Ижроия органи аъзолари, Жамият ходимлари ҳамда жалб этилган экспертлар (шу жумладан профиль олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва соҳа мутахассислари) иштирокида;

Кузатув кенгаши ваколати доирасида Ижроия органи, ички назорат органлари ва Жамиятнинг коллегиал органлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш;

Жамият Устави ва қонунчиликка мувофиқ бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш.

2.1.12. Барқарор ривожланиш ва ахборотни ошкор қилиш:

Кузатув кенгаши ваколати доирасида Жамиятнинг барқарор ривожланиш ва иқлим соҳасидаги асосий ички сиёсатлари ва ёндашувларини тасдиқлаш (ёки дастлабки маъқуллаш);

барқарор ривожланиш билан боғлиқ ахборотларнинг сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида ошкор қилинишини назорат қилиш (Жамият томонидан белгиланган ҳажм ва қонунчилик талабларига мувофиқ);

акциядорга ва бошқа манфаатдор томонларга тақдим этилишидан олдин барқарор ривожланиш ва иқлим масалалари бўйича йиллик ахборотни/бўлимни (мавжуд бўлган тақдирда) кўриб чиқиш;

камида йилда бир марта Ижроия органи ва масъул бўлинмаларнинг асосий барқарорлик ва иқлим хатарлари, кўрсаткичлари, мақсадли индикаторлари (мавжуд бўлган тақдирда) ҳамда амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳолати тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.

2.1.13. Бошқа ваколатлар:

Кузатув кенгаши ваколатларига қонунчилик ва Жамият Уставига мувофиқ бошқа масалалар ҳам киритилиши мумкин.

Кузатув кенгаши аъзоларини ва мустақил аъзоларни сайлаш, тайинлаш ҳамда уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш

2.2. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва Жамият Уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади.

2.3. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари сони Жамият Устави билан белгиланади ҳамда кенгаш аъзоларининг касбий лаёқати, ҳалоллиги ва мустақил фикр юритиш тамойиллари асосида шакллантирилади.

2.4. Кузатув кенгаши таркибига камида битта мустақил аъзо (50 фоизгача) ва Кузатув кенгаши аъзоларининг Жамият Уставида белгиланган умумий сонидан камида битта аёл номзоди Кузатув кенгаши томонидан танлов асосида акциядорларнинг умумий йиғилишига (ягона акциядорга) кўриб чиқиш учун тавсия этилади.

2.5. Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси касбий ютуқлари асосида сайланади, кенгаш аъзоси вазифаларини бажариш учун зарур билим ва тажрибага эга бўлади ҳамда фақат Жамият ва унинг барча акциядорлари манфаатларини кўзлаб фаолият юритади.

Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси лавозимига танлаш ва танлов мазкур Низомга мувофиқ амалга оширилади. Қуйидаги шахслар Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши мумкин эмас:

сўнги уч йил ичида жамиятда ва (ёки) жамиятнинг аффилланган шахсларида ишлаган шахс;

жамият овоз берувчи акцияларининг беш ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи (тўғридан-тўғри ва (ёки) аффилланган шахслар орқали) акциядор;

жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлган шахс. Бунда қайси шахслар билан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўша шахслар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

сўнгги уч йил ичида жамиятга ва (ёки) жамиятнинг аффилланган шахсларига аудиторлик хизматларини кўрсатган аудиторлик ташкилотининг ходими;

кетма-кет олти йил давомида жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига кирган шахс;

жамият ва (ёки) унинг аффилланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлган шахс, бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган келишувлар мустасно;

жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахснинг яқин қариндоши ёки қуда томондан қариндоши (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, ўғиллари, қизлари, эри (хотини), шунингдек эрининг (хотинининг) ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) бўлган шахс;

давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлган шахс;

жамиятнинг уставида ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари билан тасдиқланган ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган шахс.

Жамиятнинг корпоратив муносабатлар бўйича ходими ва Кузатув кенгаши котиби сайланган мустақил Кузатув кенгаши аъзолари реестрини юритади ҳамда уни Жамиятнинг расмий веб-сайтида эълон қилади. Мустақил аъзолар реестрини юритиш тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси мазкур Низомнинг 3.4-бандида белгиланган талабларга мувофиқлиги ўзгарса, у бу ҳақда икки иш куни ичида Жамиятни ва Кузатув кенгашини хабардор қилиши шарт. Бундай ҳолда мазкур Низомда белгиланган тартибда мустақил аъзолик лавозимида бошқа номзод кўрсатилади.

2.7. Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар ваколат муддатлари сонига чеклов қўйилмаган ҳолда қайта сайланиши мумкин.

2.8. Жамият Ижроия органи раҳбари ва аъзолари Кузатув кенгаши таркибига сайланиши мумкин эмас.

2.9. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишлаётган шахслар Жамият Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

2.10. Кузатув кенгаши аъзосининг ваколатлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан акциядор алмашган тақдирда, Кузатув кенгаши аъзоси ўз вазифаларини бажармаган тақдирда, унинг тегишли аризасига биноан, шунингдек бошқа асослар бўйича муддатидан олдин тугатилиши мумкин.

2.11. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини ва мустақил аъзоларини сайлаш Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ кумулятив овоз бериш йўли билан амалга оширилади ҳамда бунда шаффофлик, касбий танлов ва барча номзодларга нисбатан тенг муносабат таъминланишига риоя этилади.

2.12. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони сайланиши лозим бўлган Кузатув кенгаши аъзолари сонига (шу жумладан мустақил аъзолар) кўпайтирилади. Акциядор ушбу тарзда олинган барча овозларни битта номзодга бериши ёки уларни икки ёки ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлаши мумкин.

2.13. Энг кўп овоз тўплаган номзод Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

2.14. Кузатув кенгаши аъзолари сайланадиган акциядорларнинг умумий йиғилиши баённомасида ҳар бир сайланган кенгаш аъзоси қайси акциядор вакили экани, шунингдек улардан қайсилари мустақил аъзо экани кўрсатилиши лозим.

2.15. Кузатув кенгаши барча аъзоларининг фаолияти ягона самарадорлик мезонлари асосида мунтазам баҳоланади. Бу мезонлар қуйидаги йўналишларда стратегик раҳбарлик ва назоратга қўшилган ҳиссани ҳам ўз ичига олади:

Жамиятни трансформация қилиш ва ислоҳ қилиш жараёнлари;
молиявий барқарорликни таъминлаш ва қарз юқини бошқариш;
харидлар тизимини шакллантириш ва уни назорат қилиш;
инвестиция лойиҳалари учун молиялаштиришни жалб қилиш,
Кузатув кенгаши ваколатлари доирасида.

3. КУЗАТУВ КЕНГАШИ РАҲБАРИ

3.1. Жамият Кузатув кенгаши раиси Кузатув кенгаши аъзолари орасида уларнинг умумий сонининг кўпчилиги овози билан сайланади.

3.2. Раис сайланадиганда унинг касбий сифатлари, корпоратив бошқарув тажрибаси ва Кузатув кенгашининг мустақил ва самарали фаолиятини таъминлаш қобилияти инобатга олинади.

3.3. Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини кенгаш аъзолари умумий сонининг кўпчилиги овози билан қайта сайлаш ҳуқуқига эга.

3.4. Жамият Кузатув кенгаши раиси (ёки Кузатув кенгаши томонидан ваколат берилган шахс) кенгаш фаолиятини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақириб, раислик қилади, кенгаш аъзоларига тўлиқ ва ҳаққоний ахборотнинг ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди, мажлис баённомаларини юритишни таъминлайди ва Жамият Уставида бошқача белгиланмаган ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишида раислик қилади.

3.5. Кузатув кенгаши раиси йўқлигида унинг вазифаларини вақтинча Кузатув кенгаши аъзоларидан бири бажаради. Вақтинча раис вазифасини бажараётган шахс раис ваколатлари доирасида фаолият юритади ва Жамиятнинг амалий бошқарувини амалга оширмайди.

4. КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

4.1. Жамият Кузатув кенгаши мажлиси Кузатув кенгаши раиси томонидан ўз ташаббуси билан, Кузатув кенгаши аъзосининг, ревизион комиссиянинг, Жамият Ижроия органининг талабига мувофиқ ҳамда камида бир фоиз овозга эга бўлган акциядор(лар)нинг талабига биноан чақирилади.

4.2. Жамият Кузатув кенгаши мажлиси Кузатув кенгаши раиси томонидан камида ҳар чоракда бир марта чақирилиши лозим. Мажлисида қуйидаги масалалар муҳокама қилиниши мажбурийдир:

Ижроия органининг йиллик бизнес-режанинг бажарилиши, Жамият ривожланиш стратегиясини амалга ошириш чоралари, Жамият таркибига қирадиган корхоналарнинг бизнес-режалари ва Жамият ички ҳужжатлари билан тасдиқланган кўрсаткичлари тўғрисидаги ҳисоботи;

Ички аудит хизмати ҳисоботи;

Ревизион комиссия ҳулосаси, аффилиланган шахслар билан битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек уларнинг қонунчилик ва Жамият ички ҳужжатларига мувофиқлиги тўғрисида.

4.3. Жамият Кузатув кенгаши мажлиси кворуми Кузатув кенгаши сайланган аъзоларининг камида 75 фоизини ташкил этиши лозим.

4.4. Агар Кузатув кенгаши аъзолари сони Уставда белгиланган сонинг 75 фоизидан кам бўлса, янги Кузатув кенгаши таркибини сайлаш мақсадида навбатдан ташқари акциядорлар умумий йиғилиши чақирилиши керак. Қолган Кузатув кенгаши аъзолари бундай навбатдан ташқари йиғилиш чақирилишини қарор қилиш ҳамда Ижроия органи раҳбари ваколатлари муддатидан олдин тугатилган тақдирда уни вақтинча бажарувчи тайинлаш ҳуқуқига эга.

4.5. Кузатув кенгаши мажлисларида қарорлар иштирок этган аъзолар кўпчилиги овози билан қабул қилинади, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва Жамият Уставида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

4.6. Кузатув кенгаши мажлисида ҳар бир кенгаш аъзосининг бир овози бор. Овозлар тенг бўлган ҳолда ҳал қилувчи овоз Кузатув кенгаши раисининг овози ҳисобланади.

4.7. Кузатув кенгаши аъзосининг овозини бошқа аъзога ёки учинчи шахсга беришга йўл қўйилмайди.

4.8. Кузатув кенгаши мажлисларида баённома юритилади. Мажлис баённомаси унинг ўтказилган кундан кейин ўн кун ичида расмийлаштирилиши лозим.

4.9. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:
мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
мажлисда қатнашган шахслар;

мажлис кун тартиби;
овозга қўйилган масалалар ва овоз бериш натижалари;
қабул қилинган қарорлар.

4.10. Кузатув кенгаши мажлиси баённомаси мажлиска қатнашган кенгаш аъзолари томонидан имзоланади ва улар баённоманинг тўғрилиги учун масъул бўлади.

4.11. Кузатув кенгаши мажлиси баённомаси Жамият Ижроия органи раҳбарига имзоланган куннинг ўзида бажариш учун юборилади. Агар Кузатув кенгаши акциядорлар умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилса, бу ҳақдаги маълумот мажлис ўтказилган куннинг ўзида Ижроия органи раҳбарига етказилади.

4.12. Кузатув кенгаши мажлиси заочно овоз бериш (сўров йўли билан) шаклида ҳам ўтказилиши мумкин. Шунингдек, заочно овоз бериш йўли билан Кузатув кенгаши қарорлари барча кенгаш аъзолари томонидан бир овоз билан қабул қилиниши мумкин.

4.13. Кузатув кенгаши аъзоларини аниқлаш ва техник воситалар мавжуд бўлган тақдирда мажлислар видеоконференция режимида ҳам ўтказилиши мумкин.

4.14. Кузатув кенгаши мажлислари баённомалари Агентликнинг «Давлат мулки» ахборот тизимида улар расмийлаштирилган кундан кейин ўн кун ичида жойлаштирилиши лозим.

5. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

5.1. Кузатув кенгаши аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

шахсан Кузатув кенгаши мажлисларида иштирок этиш, муҳокама қилинаётган масалалар бўйича регламентда белгиланган вақт доирасида фикр билдириш;

Кузатув кенгаши қарори асосида Жамият фаолияти тўғрисида белгиланган муддат учун маълумот олиш, шунингдек унинг ривожланиш режалари ҳақида маълумот олиш;

Кузатув кенгаши кўриб чиқадиган масалалар бўйича изох ва қўшимча материаллар талаб қилиш;

ўзининг алоҳида фикрини баён қилиш, у Кузатув кенгаши мажлиси баённомасида акс эттирилиши керак;

Кузатув кенгаши аъзолиги учун мукофот олиш, харажатларни қоплаш ёки қопламани Жамиятнинг ички ҳужжатлари ва қонунчиликка мувофиқ олиш;

қонунчиликда белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

5.2. Кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари:

Жамият томонидан битим тузилаётганда ўзининг аффилик ҳолати ҳақида ёзма равишда хабар бериш, битим ва шартнома асосий шартлари тўғрисида маълумот кўрсатиш;

ўз ваколатлари ва вазифаларини Жамият манфаатларини ҳисобга олиб, ҳалол ва тўғри бажариш;

ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган касбий билим ва компетенцияни сақлаш;

сайланган Кузатув кенгаши аъзоларининг фаолияти қуйидаги самарадорлик мезонлари бўйича баҳоланади: Жамиятда трансформация жараёнлари, корхоналарнинг ташқи қарзини оптимallasштириш, замонавий харид тизимини жорий қилиш, ҳукумат қарорлари талабларини бажариш ва инвестиция лойиҳалари учун алтернатив молиялаштириш манбаларини жалб қилиш;

Кузатув кенгаши аъзосининг бошқа вазифалари қонунчилик ва Жамият ички ҳужжатларида белгиланиши мумкин.

5.3. Кузатув кенгаши аъзолари Жамият имкониятларидан (мулк ёки номулкий ҳуқуқлар, иқтисодий имкониятлар, Жамият фаолияти ва режалари ҳақидаги маълумот) шахсий манфаатлари учун фойдаланишга ва интереслар тўқнашувига ёки Жамиятнинг ишончли обрўсига зарар келтириши мумкин бўлган ҳаракат ёки бежавобликка йўл қўймаслик ҳуқуқига эга эмас.

5.4. Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар қуйидаги фидуциар мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

халоллик — Кузатув кенгаши аъзоси сифатида ҳаққоний ва содиқлик билан ҳаракат қилиш;

садокат ва манфаатлар тўқнашувидан сақланиш — асосан Жамият манфаатларини ҳисобга олиб ҳаракат қилиш;

эҳтиёткорлик — Жамиятга оид қарорлар қабул қилишда эҳтиёткорлик билан ёндашиш;

мустақил фикр — қарорларни мустақил ва шахсан, ташқи манфаатларни ҳисобга олмай қабул қилиш;

Жамият ва акциядорлар манфаатларига мувофиқ ҳаракат қилиш, халоллик тамойилларига риоя қилиш;

вазифа ва мажбуриятларини амалга оширишда виждонан ҳаракат қилиб, жамият ва акциядорлар манфаатларини энг кўп акс эттирувчи усуллардан фойдаланишни;

жамият мол-мулкидан жамиятнинг уставига ва ички ҳужжатларига зид равишда ва (ёки) акциядорлар умумий йиғилишининг ва (ёки) кузатув кенгашининг қарорларисиз, шахсий манфаатларини кўзлаб фойдаланмасликни ҳамда ундан бошқа шахслар томонидан шу тарзда фойдаланилишига йўл қўймасликни;

жамиятнинг бизнес имкониятларидан ёки жамият учун манфаатли бўлган объектлардан ўз вазифаларини бажариши муносабати билан ёки ўз мавқеидан келиб чиққан ҳолда, жамиятнинг тегишли бошқарув органлари розилигисиз, шахсий наф олиш мақсадида ёки бошқа шахслар манфаатларини кўзлаб, шундай наф олишга қўмаклашиш мақсадида фойдаланмасликни;

жамиятнинг асосий фаолияти йўналишларига хос бўлган соҳадаги тадбиркорлик фаолиятини жамиятнинг тегишли бошқарув органлари розилигисиз амалга оширмасликни;

қонунчиликка, жамиятнинг ички ҳужжатларига ва шартномага мувофиқ жамият фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор қилмасликни;

ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ қарорлар қабул қилиш эвазига моддий қимматликлар олмасликни ёки бундан манфаатдор бўлган шахслардан мулкӣ манфаатдор бўлмасликни.

Қонунчиликда, жамият уставида ва ички ҳужжатларида жамият кузатув кенгаши аъзоларининг, жамият директорининг, бошқарув аъзоларининг ҳамда ишончли бошқарувчининг бошқа фидуциар мажбуриятлари белгиланиши мумкин.

5.5. Жамият Кузатув кенгаши мустақил аъзоси қонун ва ушбу Уставда белгиланган ҳолда Кузатув кенгаши бошқа аъзолари билан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

6. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ МАСЪУЛИЯТИ

6.1. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширганда ва вазифаларини бажарганда Жамият манфаатларига мувофиқ ҳаракат қилиши лозим ва Жамиятга нисбатан қонунчилик ва ички ҳужжатларга мувофиқ жавобгарликни ўз зиммасига олади.

6.2. Кузатув кенгаши аъзоси (шу жумладан мустақил аъзо) Кузатув кенгаши кўриб чиқадиган масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазалари (эршлар, таклифлар, саволлар)ни мажлисдан камида икки кун олдин Ижроия органига тақдим этиши лозим.

6.3. Кузатув кенгаши мажлиси баённомаси мажлис ўтказилган кундан кейин ўн кун ичида расмийлаштирилиши керак. Бу вақт ичида Кузатув кенгаши аъзоси (шу жумладан мустақил аъзо) мажлис баённомасини имзолаш ёки асосланган ёзма рад этиш (нейтрал хулоса) қўшиш мажбуриятига эга.

6.4. Агар Кузатув кенгаши аъзоси (шу жумладан мустақил аъзо) белгиланган муддатда баённомани имзоламаса ва бу Жамиятга зарар келтирса, у қонунчиликда белгиланган тартибда Жамият олдида жавобгар бўлади.

6.5. Кузатув кенгаши аъзолари овоз бермаган ёки Жамиятга зарар етказган қарорга қарши овоз берган бўлса, улар жавобгарликка тортилмайди, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 90-моддасида назарда тутилган ҳолар мустасно.

6.6. Жамият ёки Жамиятнинг камиди бир фоиз акцияларига эга бўлган акциядор(лар) Кузатув кенгаши аъзосидан Жамиятга етказилган зарарни қоплаш тўғрисида даъво билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

7. КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАРНИ ОШКОР ҚИЛИШ

7.1. Кузатув кенгаши раиси ёки унинг ваколатли аъзоси Кузатув кенгаши қабул қилган қарорларни расмий шарҳлаш, шунингдек, Кузатув кенгашининг қарашини (сўровлар, оммавий тадбирлар, телефон конференциялар ва бошқа шаклларда) изоҳлаш ҳуқуқига эга, бу жараёнда Жамиятнинг савдо сирлари, хизмат сирлари ва бошқа конфиденциал маълумотларини очиш чекловларига риоя қилиш лозим.

7.2. Кузатув кенгаши аъзолари Кузатув кенгаши мажлисларида кўриб чиқилган масалалар бўйича ҳамда Кузатув кенгаши қабул қилган қарорлар тўғрисида оммавий равишда ўз нуқтаи назарини изоҳлаш ҳуқуқига эга, бу жараёнда ақлга мувофиқлик ва жавобгарлик тамойилларига, шунингдек, Жамиятнинг савдо сирлари, хизмат сирлари ва бошқа конфиденциал маълумотларини очиш чекловларига амал қилишлари керак.

7.3. Шаффофлик ва зарур маълумотни очиқ қилишни таъминлаш мақсадида Жамият корпоратив веб-сайтида Кузатув кенгаши фаолияти тўғрисида тўлиқ, аниқ ва ўз вақтида маълумот жойлаштирилади, жумладан:

Кузатув кенгаши аъзолари таркиби, уларнинг касбий тажрибаси, малакаси ва таснифи ҳақида маълумот;

“Кузатув кенгаши тўғрисида низом” ва унга киритилган ўзгартиришлар ва кўшимчалар;

Кузатув кенгаши қўмиталарининг таркиби ва фаолияти тўғрисида маълумот;

Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган мукофот ва принциплар тўғрисида маълумот; қонунчиликда белгиланган доирада муҳим хатар омиллари ва уларни бошқариш чоралари тўғрисида маълумот;

қонунчилик талаблари бўйича бошқа маълумот.

8. КУЗАТУВ КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ

8.1. Жамиятда Кузатув кенгаши ва унинг қўмиталари фаолияти мунтазам равишда баҳоланади, бу Кузатув кенгаши иш самарадорлигини ва корпоратив бошқарув сифати оширишга қаратилган.

8.2. Кузатув кенгаши фаолияти баҳоси ҳар йили ўтказилади ва барча аъзолар, жумладан мустақил аъзолар ва акциядорлар вакиллари учун мажбурий ҳисобланади.

8.3. Баҳолаш натижалари қуйидагилар учун ҳам қўлланилади:

малака ва компетенциядаги бўшлиқларни аниқлаш;

Кузатув кенгаши аъзоларини ўқитиш ва малакасини оширишни режалаштириш;

Кузатув кенгаши ва унинг қўмиталари фаолиятини такомиллаштириш, жумладан муҳим хатарлар, шунингдек барқарор ривожланиш ва иқлим соҳасида (агар мавжуд бўлса) назорат масалалари;

Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш ёки ваколатини эрта тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш.

8.4. Кузатув кенгаши фаолияти баҳолаши:

Ҳар уч йилда камида бир маротаба мустақил ташқи баҳоловчилар жалб қилинган ҳолда ўтказилади.

9. КУЗАТУВ КЕНГАШИ КОТИБИ

9.1. Кузатув кенгаши Котиби (кейинда – Котиб) қонунчилик, Жамият Устави ва бошқа ички ҳужжатлар талабларига мувофиқ Кузатув кенгаши мажлисларини тайёрлаш ва ўтказишни таъминлайди. Кузатув кенгаши Котибни тайинлаш ваколатига эга. Котибни

тайинлаш тўғрисидаги қарорда унинг вазифаларини бажариш учун оладиган рағбатлантириш кўрсатилиши лозим.

9.2. Котиб тайинланган вазифаларни бажариш учун зарур билим, малака ва тажрибага эга бўлиши керак, корпоратив соҳада камида уч йиллик иш тажрибасига эга бўлиши, шунингдек ваколатли давлат органи томонидан берилган квалификация сертификати ёки гувоҳномага эга бўлиши лозим. Котибни тайинлаганда Кузатув кенгаши номзоднинг корпоратив котиб вазифаларини бажариш қобилиятини, жумладан таълим даражаси, иш тажрибаси ва касбий сифатларини тўлиқ баҳолаши мажбурий.

9.3. Котиб лавозимига Жамият билан аффилланган шахсни тайинлаш тавсия этилмайди. Котиб томонидан сўралган ҳужжатлар ва/ёки уларнинг нусхалари (жамиятнинг конфиденциал маълумотлари, савдо сирлари ҳамда архив ёки бошқа муассасаларда сақланган маълумотлардан ташқари) сўров олинган кундан эътиборан уч иш куни ичида тақдим қилиниши лозим.

9.4. Кузатув кенгаши мажлисларини тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ барча ташкилий масалалар Котиб томонидан бажарилади. У мажлис ўтказилишидан камида уч кун олдин барча Кузатув кенгаши аъзоларини ёзма равишда хабардор қилади (1 Иловага мувофиқ), зарурат бўлса овоз бериш бюллетенларини жўнатишни таъминлайди (2 Иловага мувофиқ), тўлдирилган бюллетенлар ва Кенгаш аъзолари ёзма фикрларини тўплайди, мажлисга қатнашганлар рўйхатини тузади (3 Иловага мувофиқ) ва уни Кузатув кенгаши раисига тақдим этади.

9.5. Мажлис давомида Котиб белгиланган тартибга риоя қилиниши ва Кузатув кенгаши мажлиси баённомасини юритилишини таъминлайди. У Кузатув кенгаши аъзоларига ўз вазифаларини бажаришда ёрдам беради, янги сайланган аъзоларни Кузатув кенгаши ва Жамиятнинг бошқа органлари тўғрисидаги амал қилаётган низомлар билан таништиради, Жамиятнинг ташкилий тузилиши ҳақида тушунтириб беради, лавозим шахслари, ички ҳужжатлар, умумий йиғилиш ва Кузатув кенгаши қарорлари ҳамда бошқа муҳим маълумотларни тақдим этади.

9.6. Котиб умумий акциядорлар йиғилиши ва Кузатув кенгаши мажлисларини тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ процедуравий масалалар бўйича изоҳлар беради, Жамият маълумотлари ва ҳужжатларини очиқ қилиш ва сақланишини таъминлайди, қонунчилик ва ички ҳужжатларга мувофиқ маълумотларни сақлаш ва очиқ қилиш тартибига риоя қилинишига назорат қилади.

9.7. Шунингдек, Котиб қимматли қоғозлар эмиссияси проспектлари ва Жамиятнинг чораклик ҳисоботларидаги маълумотлар, шунингдек Жамиятнинг молиявий ва ҳўжалик фаолиятига таъсир этувчи муҳим фактлар ҳақидаги маълумотларни ўз вақтида очиқ қилишни назорат қилади.

9.8. Қонун Жамиятдан маълум ҳужжатларни сақлаш ва акциядорлар сўровига тақдим этишни талаб қилади. Котиб уларни сақлаш, кириш ва унинг тасдиғи билан нусхаларини беришни таъминлайди. У белгиланган тартибнинг бузилишига тўсқинлик қилувчи барча фактлар ҳақида Кузатув кенгаши Раисини хабардор қилади.

9.9. Котиб тайинлангунга қадар унинг вазифалари Жамиятнинг корпоратив бўлими ходимига вақтинчалик юклатилиши мумкин, агар у квалификация талабларига жавоб берса. Бу ҳолда Кузатув кенгаши қарор ёки рағбатлантириш тартибига мувофиқ унга қўшимча ҳақ тўланади.

10. Яқуний қондалар

10.1. Кузатув кенгаши аъзоларининг фаолиятини ташкилий-техник таъминлаш, шунингдек акциядорлар ва инвесторлар билан ҳамкорлик Жамиятнинг тегишли тузилма бўлими томонидан амалга оширилади.

10.2. Низом талабларини бузган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

10.3. Агар мазкур Низомнинг айрим қоидалари қонунчилик ёки Жамият Уставига зид келса, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва/ёки Жамият Устави нормалари қўлланилади.

“Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низомга 1 илова

Хабарнома

“Ўзбек геология қидирув” АЖ Кузатув кенгаши мажлиси ўтказилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 78-моддасига мувофиқ, “Ўзбек геология қидирув” АЖ Кузатув кенгаши навбатдаги/навбатдан ташқари мажлиси _____ 202__ йили соат _____ да ўтказилиши ҳақида хабар қиламиз.

Кун тартибида қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:

Мажлис манзили: Тошкент шаҳари, М.Улуғбек тумани, Олимлар кўчаси, 49-уй, Жамият конференция зали.

Кун тартибига киритилган масалалар бўйича ҳужжатлар иловада келтирилган.

Илова — _____ бетдан иборат.

Кузатув кенгаши Секретари:

Ф.И.Ш. _____

Сана: _____

*“Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомга
2 илова*

Овоз бериш бюллетени

№	Кун тартиби масалалари	Овоз беришга қўйилган масалалар тавсифи	Овоз бериш вариантлари (керексизини олиб ташланг)*		
1.			ха	қарши	Бет тараф
2.					
3.					
4.					
5.					

Ф.И.Ш. _____ (имзо)

*Овоз бериш вариантларидан фақат биттаси қолдирилади.

Бюллетень фақат Кузатув кенгаши аъзоси томонидан имзоланиши лозим.

“Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низомга 3 илова

“Ўзбек геология қидирув” АЖ Кузатув кенгаши аъзолари, навбатдан ташқари
мажлисда қатнашувчи (мажлис ____ 202 ____ йили соат : да бўлиб ўтади)

№	Ф.И.О.	Лавозим	Изоҳ
1	Р.П.Юсупов	Кузатув кенгаши Раиси	
2	Т.Н.Набиев	Кузатув кенгаши аъзоси	
3	С.Ш.Тангриев	Кузатув кенгаши аъзоси	
4	Р.Мансон	Мустақил аъзо	
5	Ж.Насиров	Мустақил аъзо	

Кузатув кенгаши котиби:

Сана: 202_ йил _____